

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВ ФАРХАД ИШКУЛОВИЧ

**ТУХУМДОНЛАРДАГИ ЯХШИСИФАТ СТРУКТУРАЛИ
ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭНДОХИРУРГИК ДАВОЛАШДАН КЕЙИН
РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Шукуров Фархад Ишкулович

Тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришларни
эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолияти
реабилитациясининг замонавий жиҳатлари..... 3

Шукуров Фархад Ишкулович

Современные аспекты реабилитации репродуктивной функции при
доброкачественных структурных изменениях яичников после
эндохирургического лечения..... 35

Shukurov Farkhad Ishkulovich

Modern aspects of the rehabilitation of reproductive function in benign
structural changes in the ovaries after endosurgical treatment..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works..... 69

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВ ФАРХАД ИШКУЛОВИЧ

**ТУХУМДОНЛАРДАГИ ЯХШИСИФАТ СТРУКТУРАЛИ
ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭНДОХИРУРГИК ДАВОЛАШДАН КЕЙИН
РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНING
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib221 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tashpmi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аюпова Фарида Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбанов Джахангир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аёлларда учрайдиган тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислаш ва даволашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолиятининг паст даражада сақланиб қолаётганлиги, репродуктив тиббиётнинг долзарб муаммосидир. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган аёлларда репродуктив фаолиятининг тикланиш салмоғи 30% ни ташкил этади, 70% аёллар эса, репродуктив фаолиятининг тикланишига муҳтож. Аёлларда бепуштлик сабабининг ҳар уч ҳолатидан бири, тухумдонлар поликистоз синдроми ва фолликуляр кисталари улушига тўғри келади¹». Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш ва эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функциясини тиклашга йўналтирилган самарали реабилитация усулларини ишлаб чиқиш ҳамда, реабилитациясига оид ёндашувларни такомиллаштириш ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада репродуктив тиббиётда, тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислашда замонавий репродуктив технологияларини қўллаш ва эндохирургик даволашдан кейин бепуштликни сақланиб қолиш сабабларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Репродуктив тиббиётнинг янги юқори технологияли жаррохлик усулларини такомиллаштириш ва самарали қўллаш замонавий репродуктологиянинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Тухумдонларда яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда эндохирургик даволашдан кейин бепуштликни сақланиб қолиши сабабларини аниқлаш ва репродуктив функциясини реабилитацияловчи усулларини такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, тухумдонлар поликистоз синдроми ва тухумдонлар фолликуляр кисталари билан касалланган аёлларда эндохирургик даволашдан кейин сақланиб қоладиган бепуштликни ташхислаш ва репродуктив функциясини реабилитациясини такомиллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «...аёллар репродуктив саломатлигига масъул тузилмалар

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/infertility>

(«Аёллар маслаҳатхонаси», Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказлари ва бошқалар)нинг тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолияти реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона тизимни жорий этиш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш ва эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функциясини реабилитация усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарори ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Тухумдонларда яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолияти реабилитациясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, American Society for Reproductive Medicine (АҚШ), European Society of Human Reproduction and Embryology (Белгия), University of Mississippi Medical Center (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Ankara University (Туркия), University of British Columbia (Канада), Weill Cornell Medical College (Англия), Center for the Study of Polycystic Ovary Syndrome at the University of Chicago (АҚШ), Univerzita Palackého ob Olomouci (Чехия), академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия), Д.О.Отто номидаги акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий-тадқиқот

² ЎЗР Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www. pubmed](http://www.pubmed); www. hindawi; www. BMJ Open; www. LibDex - Library Index; www.The British Library, сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

институту (Россия), Н.И. Пирогов номли Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия), Республика акушерлик ва гинекология ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда ташхислаш, даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: тухумдонлар поликистоз синдроми ва тухумдонлар фолликуляр кисталари билан боғлиқ бепушт аёлларда гормонал бузилишларнинг аҳамияти исботланган (American Society for Reproductive Medicine (АҚШ), European Society of Human Reproduction and Embryology (Белгия), University of British Columbia (Канада); тухумдонлар поликистоз синдроми мавжуд аёлларда касалликни генетик омиллар билан боғлиқлиги исботланган (Center for the Study of Polycystic Ovary Syndrome at the University of Chicago (АҚШ); тухумдонлар поликистоз синдроми мавжуд аёлларда тухумдонлар захирасини биокимёвий маркери АМГ миқдорини аниқлашда тухумдонлардан олинган биопсия намуналарида фолликулалар сонини санаш йўли билан баҳолаш тавсия этилган (академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия), тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашда ишлатиладиган турли коагуляторларнинг тухумдонлар захирасига таъсири исботланган (Н.И. Пирогов номли Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия); тухумдонлар фолликуляр кисталари мавжуд аёлларни даволашда гормонал контрацептивларни қўлланилиши клиник самарадорлиги исботланган (Д.О.Отто номидаги акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий-тадқиқот институти (Россия); тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни ташхислашда турли онкомаркерларни аниқлаш усулининг самарадорлиги исботланган (Ankara University (Туркия), Weill Cornell Medical College (Англия); тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган аёлларга овуляцияни рағбатлантириш мақсадида кломифен сақловчи препаратларни қўллаш овуляция жараёнини яхшиланишига олиб келиши аниқланган (Univerzita Palackého ob Olomouci (Чехия); тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган аёллар репродуктив функциясини реабилитацияси мақсадида турли физиотерапевтик усулларни ва фермент препаратларини қўллаш самарадорлиги исботланган (University of Mississippi Medical Center (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ)).

Дунёда тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш ва эндохирургик даволашдан кейинги репродуктив фаолияти реабилитация усулларини такомиллаштириш ҳамда илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда бепуштликнинг ривожланишини башоратлаш

мезонларини асослаш; тухумдонлар захирасига ноҳўя таъсирини олдини олиш мақсадида репродуктив жаррохликнинг камжароҳатчан жаррохлик усулларини қўллагандан кейин репродуктив салоҳияти ҳолатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш; тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда касалликларни қайталанишини башоратлаш ҳамда, ташхислаш маркерлари сифатида тухумдонлар ва эндометрий эстроген (ER), андроген (AR), прогестерон (PR) рецепторлари экспрессия даражасини стероид гормонлари ва эндометрий қалинлиги ўртасидаги боғлиқликни бепуштликни ривожланиши ва ташхислашда аҳамиятини ўрганиш; эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин репродуктив фаолияти реабилитация усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлар аёлларининг 19–25% тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштлик билан касалланган. Тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришларининг патогенези асосида ановуляция билан тавсифланувчи фолликулогенез жараёнининг бузилиши ётади (Беглова А.Ю., 2019., Chen Y., 2018). Ҳолбуки, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ривожланишини аниқ ташхислашловчи ва мазкур касалликларнинг қайталанишини башоратлаш усуллари деярли ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолияти тикланиш салмоғининг паст кўрсаткичи сабаблари ҳанузгача номаълум бўлиб етарлича ўрганилмасдан қолмоқда. Шу муносабат билан, тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда эндохирургик даволашдан кейин бепуштликни сақланиб қолиш сабабларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, бу эса тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволаш ҳамда репродуктив фаолиятини реабилитациясига табақалашган ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин реабилитация чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш бепуштликни сақланиб қолишини сезиларли камайишига олиб келади (Адамян Л.В., 2015, Azziz R., 2015). Америка қўшма штатларида реабилитация усулларининг амалиётга эрта татбиқ этилиши бепуштлик салмоғини 2,4 мартагача камайтирди (Escobar–Morreale H.F., 2018, Mitra S., 2015, Kabel A. M., 2016).

МДХ республикалари ва хорижда тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда касалликни этиопатогенетик ташхислаш ва клиник кечишларни ҳамда морфологик ўзгаришларини аниқлаш билан чекланган. Тиббий илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолиятини тиклашга йўналтирилган барча анънавий усуллардан фойдаланилганда унинг салмоғи 30% ни ташкил этган (Назаренко Т.А., 2015, Герфанова Е.Ф., 2015).

Ўзбекистонда олимлар томонидан тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари яратилган, яъни, патогенетик даволашнинг аҳамияти исботланган (Магзумова Н.М., 2016, Ешимбетова Г.З., 2012). Маҳаллий адабиётларни ўрганиш натижалари тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолиятини реабилитациясига оид етарлича маълумотлар йўқлигини кўрсатди. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришларида тухумдонлар ва эндометрий рецепторлари ҳолатини иммуногистокимёвий усулда ўрганиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Бироқ тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштлиқни ташхислаш, прогнозлаш ва даволашда тухумдонлар ва эндометрийдаги рецепторларни иммуногистокимёвий ўрганишга бағишланган тадқиқотлар республикада ҳозирги кунга қадар ўтказилмаган. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар ва эндометрийдаги рецепторларни иммуногистокимёвий усулда ўрганиш орқали олинган маълумотлар, бепуштлиқни ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ҳамда репродуктив фаолияти реабилитациясининг янги усуллари ишлаб чиқиш имконини беради.

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда жаррохликдан кейин бепуштлиқни сақлаиб қолиш сабабларини аниқлаш ҳамда, репродуктив фаолиятини реабилитациясини самарали усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш замонавий репродуктологиядаги муаммолар ечимини топишда энг муҳим қадам ҳисобланади ва бусиз сезиларли тараққиётга эришишни умид қилиб бўлмайди. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда тухумдонлар ва эндометрий рецепторлари ҳолатини иммуногистокимёвий усулда ўрганиш, мазкур касалликлар билан боғлиқ бепуштлиқни ташхислаш, прогнозлаш ва патогенетик даволашда истиқболли ва етарлича янги йўналишлардан бири бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда узок вақт давомида тухумдонларда яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштлиқни ташхислаш ва даволашнинг инновацион технологиялари қўлланилиб келаётганлигига қарамасдан, эндохирургик жаррохликдан кейин бепуштлиқни камайтириш ҳамда репродуктив фаолияти тикланиш салмоғини ошириш усуллари қидириш илмий давраларда давом этаётган мунозараларнинг мавзуси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг №01.1500213 «Акушерлик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорат қилиш, профилактикасини олиб боришнинг замонавий технологиялари» (2015-2018 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволашдан

кейин репродуктив функцияси реабилитация усулларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда репродуктив функцияси ҳолатини ретроспектив таҳлилинини ўтказиш, шунингдек ушбу аёлларда жаррохликдан кейин бепуштликни сақланиб қолиш омилларини аниқлаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин ва кейин гормонал ҳолатини баҳолаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин ва кейин тухумдонлар захирасини баҳолаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар ва эндометрийдаги эстроген (ER), андроген (AR) ва прогестерон (PR) рецепторларининг ҳолатини баҳолаш, шунингдек мазкур рецепторларнинг қондаги стероид гормонлари билан эндометрий қалинлиги ўртасидаги корреляцион алоқадорликни ва эндометрий рецептивлигини таъминлашдаги ўрнини исботлаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш ва даволашда каминвазив эндоскопик жаррохлик амалиётларининг имкониятлари ва ўрнини баҳолаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функциясини тиклашга қаратилган кенг қамровли табақалаштирилган ёндашувларни иммуногистокимёвий тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда асослаш ҳамда қўлланилган реабилитация чора–тадбирларини тиббий-иктисодий самарадорлигини баҳолаш;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда олинган иммуногистокимёвий тадқиқот маълумотлари асосида жаррохликдан кейин репродуктив функцияси реабилитациясининг алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 9-сон туғруқ комплекси гинекология бўлимига тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли госпитализация қилинган 500 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қон зардоби, тухумдонлар ва эндометрий биопсия намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, иммуногистокимёвий, ультратовуш, рангли доплерли картирлаш, эндоскопик (лапароскопия/гистероскопия) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар қон зардобиде эстрадиол

ва тестостерон гормонларининг юқори, прогестерон гормонининг паст миқдорда бўлиши аниқланиб, мазкур гормонларнинг жаррохликдан кейин бепуштликни сақланиб қолишидаги ўрни исботланган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар захираси маркерларини қўлланилган эндохирургик жаррохлик тури ва хажмига боғлиқ жаррохликгача ва жаррохликдан 3 ойдан кейин қиёсий таққослаб баҳолашда олинган маълумотлар мазкур аёллар репродуктив фаолиятини тиклашда қийматли кўрсаткичлар эканлиги исботланган;

илк бор тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар ва эндометрий ER, AR ва PR рецепторларини иммуногистохимёвий тадқиқотининг бепуштликни ташхислаш, даволаш, касалликлар қайталаниши ҳамда жаррохликдан кейин бепуштликни ривожланишини прогнозлашда самарали усул эканлиги исботланган;

ТПС билан боғлиқ бепушт аёллар тухумдонлар фолликула девори ва стромасида ER ва ARнинг юқори, PRнинг паст экспрессияси, ТФК билан боғлиқ бепушт аёллар қобик эпителиал ва стромал компонентларида ERнинг юқори, PRнинг паст экспрессияси, мазкур аёллар эндометрий без эпителийси ва стромасида ERнинг юқори, PRнинг паст экспрессия даражасида бўлиши аниқланиб, ушбу рецепторларнинг мазкур касалликлар билан боғлиқ бепуштлик патогенезидаги прогностик аҳамияти исботланган;

илк бор тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда ER ва PR рецепторларининг стероид гормонлари билан эндометрий қалинлиги ўртасидаги тўғридан тўғри корреляцион алоқадорлик мавжудлиги аниқланиб, мазкур алоқадорлигининг эндометрий рецептивлигини таъминлашдаги ўрни исботланган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёллар репродуктив функциясини тиклашда, эндохирургик даволашни, ИГК-тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда патогенетик асосланган ва табақалаштирилган комплекс реабилитацияловчи терапия билан биргаликда ўтказилишини мувофиқлиги илмий асосланган ҳамда клиник самарадорлиги қиёсий баҳоланиб исботланган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функцияси реабилитациясининг тухумдонлар ва эндометрий рецепторларининг ИГК-тадқиқоти натижаларига илмий асосланган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислашнинг, тухумдонлар ва эндометрийдаги ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражасини аниқлашга асосланган янги иммуногистохимёвий тадқиқот усули тавсия қилинган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришларини эндохирургик даволашдан кейин тухумдонлар ва эндометрийдаги ER рецепторларининг экспрессия даражаси кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда мазкур

касалликлар рецидивланишини прогнозлаш усули ишлаб чиқилиб тавсия қилинган;

тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда тухумдонлар ва эндометрийда ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражаси кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, репродуктив функциясини тиклашга қаратилган комплекс реабилитацияловчи терапия ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этиш тавсия қилинган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда тухумдонлар ва эндометрийда ER рецепторларининг экспрессия даражаси кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда жаррохликдан кейин бепуштлик ривожланишини прогнозлаш усули ишлаб чиқилиб тавсия қилинган;

тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар эндометрийсида ER ва PR рецепторлари экспрессия даражасини қайта ИГК-тадқиқоти ёрдамида ўрганиш орқали ўтказилган адъювант терапия самарадорлигини баҳолаш усули тавсия қилинган;

тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволашдан кейин ИГК-тадқиқот натижаларига асосланган репродуктив функцияси реабилитацияси алгоритминини ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилиши орқали реабилитацияли даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда эндохирургик даволашдан кейин касаллик қайталаниши ва бепуштликни сақланиб қолишини прогнозлаш имконини берувчи тухумдонлар ва эндометрийдаги ER, AR, PR рецепторларининг экспрессия даражасини иммуногистохимёвий усулда аниқлашни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни тухумдонлар ва эндометрийдаги ER, AR ва PR рецепторларнинг экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ҳамда касаллик патогенезини барча бўғинларига тизимли таъсир этувчи янги такомиллаштирилган реабилитацияловчи даволаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш, прогнозлаш ва эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функцияси реабилитация усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

тухумдонлар поликистоз синдромини ташхислаш ва репродуктив функцияси реабилитациясини янги усулни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган "Тухумдонлар поликистоз синдроми: этиопатогенетик жиҳатлари, эрта ташхислаш, репродуктив функцияси реабилитация усуллари" деб номланган услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 сентябрдаги 8н-д/125–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ТПСни ташхислаш ва эндохирургик даволашдан кейин репродуктив фаолияти реабилитацияси самарадорлигини ошириш имконини берган;

тухумдонлар фолликуляр кисталарини ташхислаш, қайталанишини прогнозлаш, даволаш ва репродуктив функцияси реабилитациясини янги усулни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган "Тухумдонлар фолликуляр кисталари: ташхислаш, прогнозлаш, даволашни такомиллаштириш, профилактикаси ва репродуктив функцияси реабилитация усуллари" деб номланган услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 сентябрдаги 8н-д/125–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ТФКни ташхислашда ва эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функцияни тиклаш мақсадида гормонал адъювант терапиядан фойдаланишни самарадорлигини яхшилашни ва амалиётда жорий этиш имконини берган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислаш, прогнозлаш ва даволашнинг янги усулни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган "Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислаш ва даволашда иммуногистхимёвий усул" деб номланган услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 сентябрдаги 8н-д/125–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган бепушт аёлларнинг репродуктив функцияси реабилитациясига патогенетик асосланган ҳамда табақалаштирилган ўзига хос ёндашувни тавсия этиш имконини берган;

тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни ташхислаш, даволаш ва репродуктив функцияси реабилитациясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги 4 ва 9–сон туғруқ комплекслари ҳамда Фарғона ва Хоразм вилоятлари перинатал марказлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 8н-д/57–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши бепуштлик салмоғининг 4,8 баробар қисқаришига, ҳомиладор бўлишлар салмоғини 1,7 баробар ортишига, тухумдонлар

яхшисифат структурали ўзгаришлари рецидивлари сонини 4,2 баробар камайиши ва даволаш муддатини қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 200 бетда компьютер матнида баён қилинган бўлиб, кириш, 6 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда репродуктив функциясининг бузилиши ва уни тиклашда замонавий ёндашувлар”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари асосида тухумдонлар поликистоз синдроми ва тухумдонлар фолликуляр кисталари этиологияси, патогенези, ташхислаш, клиник кечиши, даволаш усуллари ҳамда эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин реабилитациясига оид замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари батафсил ёритилган. Шунингдек, мазкур бобда репродуктив функциясини тиклашга қарата ўтказилган реабилитацияли даволаш усуллари афзаллик ва камчиликлари ҳамда ушбу соҳадаги ўз ечимини топмаган ёки аниқлаштирилиши талаб этиладиган жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва услубига умумий тавсиф берилган. Тадқиқот мақсадига эришиш ва олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан касалланган 18 ёшдан 36 ёшгача бўлган 500 нафар аёллар комплекс текширувдан ўтказилди. Улардан 200 нафари (40,0%)ни ретроспектив таҳлил ўтказилган, 120 нафари (24,0%)ни тухумдонлар поликистоз синдроми билан касалланган, 120 нафари (24,0%)ни тухумдонлар

фолликуляр кисталари билан касалланган ва 60 нафари (12,0%)ни таққослаш гуруҳига кирувчи аёллар ташкил этди.

Тадқиқот бир неча босқичларда амалга оширилди: Биринчи босқичда (2014–2015й.й.) ТПС ва ТФК сабабли тухумдонларида лапароскопик жаррохлик амалиёти ўтказган 200 нафар аёлларда репродуктив функцияси ҳолатини ретроспектив таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Иккинчи босқичда–2016 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд 300 нафар аёлларни, клиник-лаборатор текширувларидан, жумладан, гормонал ҳолати, тухумдонлар захирасини аниқлаш, онкомаркерларга текшируви, ультратовуш ва доплер текширувлари ўтказилгач, ушбу аёлларда режали равишда эндохирургик жаррохлик амалиётлари ўтказилиб, жаррохликни бажариш пайтида тухумдонлар ва эндометрийдан олинган биопсия намуналарини иммуногистокимёвий тадқиқоти ўтказилиб ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражаси аниқланди. Шунингдек, тадқиқотнинг ушбу босқичида ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражасини қондаги стероид гормонлари ҳамда эндометрий қалинлиги ўртасидаги ўзаро корреляцион алоқадорлиги ҳам аниқланди.

Учинчи босқичда, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришларини эндохирургик даволашдан кейин репродуктив функцияси реабилитациясини тухумдонлар ва эндометрий рецепторларини ИГК тадқиқоти натижаларига асосланган алгоритми ишлаб чиқилди ва ушбу алгоритмининг юқори самарадорликга эгаллиги тадқиқотга киритилган 300 нафар аёлларда олиб борилган клиник кузатишлар давомида ўз исботини топди.

Клиник гуруҳларни тухумдонлар ва эндометрийдан олинган биопсия намуналарини ИГК тадқиқоти натижаларига кўра шакллантирилди. Унга кўра асосий гуруҳга кирувчи ТПС мавжуд 120 нафар ва ТФК мавжуд 120 нафар беморларда ER, AR ва PR рецепторларини экспрессия даражасига асосан тўрттадан жами 8та кичик гуруҳчаларга бўлинди. Жумладан, тухумдонлар поликистоз синдроми билан 1–(асосий) гуруҳга кирувчи (n=120) нафар беморлар 4 та кичик гуруҳчаларга бўлинди: IA–кичик гуруҳча, ER ва AR юқори экспрессия даражаси аниқланган (n=40) нафар беморлар; IB–кичик гуруҳча, ER ўртача экспрессия даражаси аниқланган (n=30) нафар беморлар; IC – кичик гуруҳча, PR ўртача экспрессия даражаси аниқланган (n=30) нафар беморлар; ID– кичик гуруҳчани ER паст экспрессияси аниқланган (n=20) нафар беморлар ташкил этди.

Тухумдонлар фолликуляр кисталари мавжуд 2– (асосий) гуруҳга кирувчи (n=120) нафар беморлар, ҳам 4 та кичик гуруҳчаларга бўлинди: IA–кичик гуруҳча, ER юқори экспрессия даражаси аниқланган (n=40) нафар беморлар; IB–кичик гуруҳча, ER ўртача экспрессия даражаси аниқланган (n=30) нафар беморлар; IC – кичик гуруҳча, PR ўртача экспрессия даражаси аниқланган (n=30) нафар беморлар; ID– кичик гуруҳча, ER паст экспрессияси аниқланган (n=20) нафар беморлар ташкил этди. Таққослаш гуруҳини тухумдонларида лапароскопик жаррохлик амалиётларини ўтказган аммо, реабилитацияли даволашни олишни рад этган яъни, репродуктив

функциясини амалга оширишдан манфаатдор эмас (n=60) нафар аёллар ташкил этди.

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари ташхиси гормонал, инструментал ва ИГХ тадқиқотлар натижаларига асосан қўйилди. Қондаги стероид гормонларининг миқдори MINDRAY MR-96А иммуноанализатори ёрдамида, «Алкор Био» (Россия), «Beckman coulter» (АҚШ), «DRG Diagnostics» (Германия) ва «Hoffman La Roch» (Швейцария) фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган стандарт реактивлардан фойдаланилган ҳолда иммунофермент усул ёрдамида аниқланди. Гормонал тадқиқотлар, эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин ва жаррохликдан 3 ойдан кейин амалга оширилди. Гормонлар ҳолатини ўрганиш мақсадида гонадотроп гормонларидан, лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликуластимуловчи гормон (ФСГ), стероид гормонлардан эстрадиол (Е2), прогестерон, умумий тестостерон ($T_{\text{умум}}$) ва антимюллер гормони (АМГ) нинг миқдорлари ўрганилди.

Кичик чаноқ аъзоларини ультратовуш текшируви "SAMSUNG" компаниясининг «Medison Accuvix XQ» қурилмасида 5 МГц.ли трансабдоминал ва трансвагинал конвексли датчиклари ёрдамида амалга оширилди. Тухумдонларда интраовариал қон оқими ҳолатини сифат ва миқдорий кўрсаткичларини баҳолашни ўз ичига олган рангли доплерли картирлаш текшируви 4,5 МГц датчиги ёрдамида импульс режимида ўтказилди.

Тухумдонлар захирасини хайз циклига боғлиқмас иккита маркерларини баҳолаш орқали яъни, қон зардобида антимюллер гормони (АМГ) миқдорини ва ультратовуш ёрдамида тухумдонлар ўртача хажмини ўлчаш ва антрал фолликулалар сонини (АФС) санаш орқали амалга оширилди.

Эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин онкологик эхтиёткорлик нуқтаи назаридан барча аёллар қон зардобида Cobas 6000 Roche Diagnostics (Швейцария) ташхисловчи тест тизимлари ёрдамида HE-4 онкомаркерига текшируви ўтказилди.

Эндоскопик тадқиқотлар лапароскопик ва гистероскопик жаррохлик усулларини ўз ичига олган бўлиб, улар «Karl Storz» фирмаси ускуналаридан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

ИГК-тадқиқот учун биопсия намуналари, эндохирургик жаррохлик амалиётларини бажариш давомида жумладан, тухумдонлардан лапароскопик жаррохлиги, эндометрийдан эса, гистероскопия жаррохлик амалиётларини ўтказилиш пайтида, шунингдек такрор ИГК-тадқиқот ўтказишда эса Paupel биопсия усули ёрдамида олинди. Олинган биопсия намуналари 10% буферланган нейтрал формалинда (рН 7,2) фиксация қилинди ва қайта ишланиб 5 микрон қалинликда парафин блоклари стандарт усулда тайёрланиб, намуналар автоматик электр тармоғи станцияси Leica TP1020 ёрдамида амалга оширилди.

Эстроген (ER), андроген (AR) ва прогестерон (PR) рецепторларининг ИГК-тадқиқоти Bond-max фирмаси Leica (Германия) иммуногистостейнери ёрдамида эстроген рецепторлари учун – 1D5, андроген рецепторлари учун–

AP441 ва прогестерон рецепторлари учун – PgR моноклонал антителолардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. ER, AR, ва PR рецепторларининг экспрессия даражаси (H-score) 0 дан 300 гача оралиқда бўлган балларда жумладан: 0–10 балл – экспрессия йўқ, 11–100-кучсиз экспрессия, 101–200-ўртача экспрессия, 201–300–юқори экспрессияси мавжуд дея баҳоланди.

Олинган маълумотларга Спирменнинг даражали корреляцияси усулида статистик дастурларнинг STATISTICA 10,0 стандарт пакети ҳамда табиий жуфтлар ўртасида ўзаро боғланган 2 вариацион қатор хатосини аниқлаш билан Epi Info 7.2.2.2 статистик дастури усулида ишлов берилди. $P < 0,05$, $P < 0,01$, $P < 0,001$ да фарқлар ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда анамнез, клиник-лаборатор, инструментал ва ретроспектив таҳлил натижалари”** деб номланган учинчи бобида, ТПС ва ТФК касаликларининг аниқланиши ва клиник кечиши ўрганилган ҳамда ретроспектив таҳлил натижалари тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Тадқиқот ўтказилаётган беморларнинг ўртача ёши $28,5 \pm 1,48$ ни ташкил этди. Улардан 66,7%ни эрта ва 33,3%ни кеч репродуктив ёшдаги аёллар ташкил этди.

Олдинга қўйилган биринчи вазифани бажариш мақсадида 2014-2015 й.й.да ТПС ва ТФК сабабли тухумдонларида эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 200 нафар аёлларни репродуктив функцияси ҳолатини ретроспектив таҳлили ўтказилди. Беморларга эндохирургик жаррохлик амалиётларидан асосан қуйидаги турлари қўлланилган: ТПС мавжуд беморларнинг 60 нафар (30,0%)да тухумдонлар понасимон резекцияси, 40 нафар (20,0%)да – лапароскопик тухумдонларни бурғулаш, ТФК мавжуд 70 нафар (35,0%) да цистэктомия, ва 30 нафар (15,0%)да - тухумдонлар резекцияси жаррохлик амалиётлари қўлланилган. Эндохирургик жаррохликдан кейин репродуктив функцияси ҳолатини ўрганишда умумий ҳомиладорлик бўлиш салмоғи ТПС сабабли тухумдонлар понасимон резекцияси жаррохлик амалиёти қўлланилган аёлларда-7,5%ни, лапароскопик тухумдонларни бурғулаш қўлланилган аёлларда 9,5%, ТФК сабабли цистэктомия жаррохлик амалиёти қўлланилган аёлларда-10,5%, ва тухумдон резекцияси қўлланилган аёлларда эса, бор йўғи– 2,0%ни ташкил этиб жами ҳомиладор бўлган аёллар сони 29,5% ни ташкил этиб, ҳомиладор бўлмайд қолган аёллар –70,5% ни ташкил этган.

Ўтказилган ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, энг ёмон натижалар ТПС сабабли тухумдонлар понасимон резекцияси ва ТФК сабабли тухумдон резекцияси жаррохлик амалиётларини ўтказган аёлларда кузатилган. Ушбу ҳолат, мазкур аёлларни эндоскопик даволашда эндохирургик даволаш усулларини ва жаррохликдан кейин репродуктив функциясини тиклашга қаратилган реабилитация тадбирларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат бериб, ушбу олинган натижалар мазкур эндохирургик жаррохлик амалиётларини ўтказган аёлларда бепуштликни ривожланиши ва сақланиб қолинишида асосий хавф омилига киритилишига сабаб бўлади шунинг учун, репродуктив функция тикланишини паст кўрсаткич сабабларини аниқлаш ва

репродуктив функция реабилитациясини такомиллаштиришнинг самарали усулларини излаб топиш, кейинги изланишларни олиб боришимизнинг шарти бўлиб хизмат қилди.

Тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд беморларда HE-4 онкомаркери текширувида HE-4 миқдори ТПС мавжуд аёлларда $45,8 \pm 1,9$ пмоль/л. ва ТФК мавжуд аёлларда эса, $50,4 \pm 4,5$ пмоль/л.ни назорат гуруҳида эса $-51,3 \pm 2,4$ пмоль/л.ни ташкил этди.

Тадқиқот ўтказилаётган аёлларда эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин ва кейин гормонал ҳолатини кенг қамровли таҳлили гуруҳлар ўртасидаги бир қатор кўрсаткичлардаги фарқлар борлиги аниқланди ($p < 0,001$). Эндохирургик жаррохлик амалиётидан олдин I–гуруҳда ЛГнинг юқори миқдори $11,6 \pm 0,41$ МЕ/л, II –гуруҳда эса унинг паст миқдори $-7,8 \pm 0,38$ МЕ/л.ни ташкил этди, ФСГнинг миқдори I гуруҳда паст $3,2 \pm 0,14$ МЕ/л, II гуруҳда эса, юқори $14,7 \pm 0,16$ МЕ/л миқдорда аниқланди. ТПС мавжуд беморларда ЛГ/ФСГ нисбат коэффициенти $> 3,6$ ташкил этди. Умумий тестостерон ($T_{\text{умум}}$) ўртача даражаси I – гуруҳда, $2,8 \pm 0,10$ нг/мл сезиларли даражада юқори миқдорда, эстрадиол (E2) миқдори ҳар иккала гуруҳ аёлларида ҳам, таққослаш гуруҳи кўрсаткичларга нисбатан – $98,0 \pm 5,14$ пг/мл сезиларли даражада юқори миқдорда гуруҳларда мос равишда $137,6 \pm 12,11$ пг/мл ва $127,4 \pm 12,23$ пг/мл аниқланди ($p < 0,001$).

Глобулин боғловчи жинсий гормонининг (ГБЖГ) ўртача даражаси таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига - $47,2 \pm 1,83$ нмол/л нисбатан гуруҳларда мос равишда $32,4 \pm 1,36$ нмол/л ва $32,1 \pm 1,37$ нмол/л анча паст кўрсаткичда аниқланди ($p < 0,001$). Прогестерон гормони сезиларли паст миқдорда гуруҳларда мос равишда $1,0 \pm 0,65$ нг/мл ва $1,3 \pm 0,65$ нг/мл.ни аниқланди. ТПС мавжуд беморларда (fT) гормонининг миқдори ҳам сезиларли даражада юқори $2,6 \pm 0,10$ нг/мл аниқланди ($p < 0,001$). ТПС мавжуд аёлларда ДГЕА–С даражаси таққослаш гуруҳи кўрсаткичи $9,7 \pm 0,10$ мкг/мл.га нисбатан юқори $10,7 \pm 0,10$ мкг/мл.ни ташкил этди ($p < 0,01$).

Эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин беморларда гормонал тадқиқот натижалари I– гуруҳ беморларида ЛГнинг миқдори $8,2 \pm 0,27$ МЕ/л. гача пасайганлиги, II гуруҳда ЛГ миқдори $10,0 \pm 0,46$ МЕ/л.гача ортганлигини гувоҳи бўлди ($p < 0,001$), ФСГ миқдори I– гуруҳда $10,4 \pm 0,18$ МЕ/л.гача ортиши, II–гуруҳда эса, $9,9 \pm 0,19$ МЕ/л.га камайиши, E2 гормони миқдорининг гуруҳларда мос равишда $120,0 \pm 12,7$ пг/мл.гача ва $118,8 \pm 11,87$ пг/мл.гача пасайганлигини, I гуруҳда $T_{\text{умум}}$ – $1,0 \pm 0,07$ нг/мл ташкил этиб бу, таққослаш гуруҳидаги беморлар кўрсаткичи $1,6 \pm 0,12$ нг/мл.га нисбатан пасайганлигини бироқ унинг миқдори меъёр кўрсаткичларинг юқори даражасида сақланиб қолаётганлигини аниқланди ($p < 0,001$), ГБЖГ миқдори иккала гуруҳда ҳам мос равишда $38,2 \pm 1,16$ нмоль/л ва $34,2 \pm 1,43$ нмол/л.гача ортганлиги аниқланди ($p > 0,05$).

Гормонал тадқиқотлар натижаларига кўра, эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин беморларнинг асосий гуруҳида асосан, E2 миқдорини пасайиши, беморларнинг 75,0% қайд этилиб, ушбу ҳолат эса эндохирургик жаррохликдан кейинги даврда ҳам мазкур аёлларда гиперэстрогенемия ҳолати

тўлиқ бартараф этилмасдан қолаётганлигидан далолат беради. Эндокirurgик жаррохлик амалиётидан кейин, иккала гуруҳ беморларида ҳам, прогестерон гормони миқдорининг ҳам, бироз ўсиши кузатилди ва унинг миқдори гуруҳларда мос равишда $1,3 \pm 0,07$ нг/мл ва $1,4 \pm 0,09$ нг/мл ни ташкил этди. Шунга қарамасдан, 25,0% аёлларда хайз циклининг секретор фазасида аниқланган прогестероннинг қиймати ($p < 0,001$) меъёр қийматлардан анча паст даражада сақланиб қолаётганлиги кузатилди, ушбу ҳолат эса, эндокirurgик жаррохлик амалиётидан кейинги даврда ҳам, мазкур аёлларда гипопрогестеронемия ҳолати сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Ўтказилган гормонал тадқиқотлар маълумотларга таяниб шуни айтиш лозимки, ТПС ва ТФК мавжуд аёлларда гонадотороп ва стероид гормонлари секрециясининг бузилиши мазкур патологиялар патогенезида алоҳида ўрин тутиши билан бир қаторда, стероид гормонларидан Е2, $T_{\text{умум}}$ ва прогестерон гормонларининг эндокirurgик жаррохликдан кейинги даврда ҳам улар миқдорининг меъёрлашуви тўлалигича кузатилмайди, жумладан эстрадиол ва тестостерон гормонларининг юқори, прогестерон гормонининг паст миқдорда сақланиб қолиши кузатилиб ушбу гормонал ўзгаришли ҳолатини эндокirurgик жаррохликдан кейин бартараф этишга йўналтирилган мос адъювант гормонал терапия ўтказилмаса мазкур аёлларда бепуштликни сақланиб қолишини сабабчиси бўлиб қолиши мумкин.

Диссертациянинг «**Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар захирасининг эндокirurgик даволашгача ва даволашдан кейинги ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида 300 нафар аёлларда тухумдонлар захирасининг икки хайз циклга боғлиқ бўлмаган эхографик ва биокимёвий маркерларини баҳолашга қаратилган тадқиқот натижаларининг қиёсий тахлили батафсил бериб ўтилган. Мазкур тадқиқотни ўтказиш учун қўлланилган эндокirurgик жаррохлик амалиёти тури ва ҳажмига кўра барча беморлар 3 гуруҳга бўлиб ўрганилган: ТПС сабабли 90 нафар (1-гуруҳ) беморларда–тухумдонлар декортикацияси эндокirurgик жаррохлик амалиёти қўлланилган, ТПС сабабли 30 нафар (2-гуруҳ) беморларда–тухумдонлар каутеризацияси эндокirurgик жаррохлик амалиёти қўлланилган, ва ТФК сабабли цистэктомия эндокirurgик жаррохлик амалиёти қўлланилган 120 нафар (3-гуруҳ) беморлардан иборат бўлди. Шунингдек мазкур тадқиқотда тухумдонлар тўқимаси морфофункционал ҳолати, интраовариал гемодинамика кўрсаткичларини ва овуляция жараёнини аниқлаш мақсадида доплерометрия текшируви ҳам ўтказилди.

Тухумдонлар захирасини баҳолаш учун тухумдонларнинг ўртача ҳажмини ва антрал фолликуллар сони (АФС) ни санаш ҳамда қондаги АМГ миқдорини аниқлаш тадқиқоти ўтказилди. ТПС мавжуд 90 нафар (75,0%) аёлларда тухумдонлар декортикацияси эндокirurgик жаррохлик амалиётидан олдин тухумдонлар захирасининг эхографик маркерларини баҳолаш тухумдонлар ўртача ҳажми $12,5 \pm 0,51$ см³, АФС $16,0 \pm 0,65$, улар максимал диаметри 6 мм.дан 7 мм.гача (ўртача $6,0 \pm 0,24$ мм) ташкил этди, фолликулалар асосан тухумдонлар тўқимасининг атрофида, яъни тухумдонлар оқ қобиғининг остида тизилиб

жойлашганлиги аниқланди. Эндокхирургик даволашдан олдин ушбу гуруҳ аёлларининг барчасида овуляция белгилари аниқланмади. Эндокхирургик жаррохлик амалиётигача ўтказилган доплерометрик тадқиқотларда, гемодинамик кўрсаткичлардан, юқори қаршилик индекси (ҚИ) $0,51 \pm 0,020$ ва паст максимал артериал тезлик (МАТ) $10,6 \pm 1,0$ см/сек аниқланди. Эндокхирургик жаррохлик амалиётигача биокимёвий маркери АМГнинг миқдори 4,4 баробар юқори яъни, $12,5 \pm 0,48$ нг/мл да аниқланди.

Тухумдонлар декорткацияси эндокхирургик жаррохлик амалиётидан 3 ойдан кейин, ўрганилаётган тухумдонлар захираси иккала маркерлари кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги яъни, тухумдонлар хажмининг жаррохликгача бўлган натижаларига нисбатан 1,6 мартагача камайганлиги яъни, $8,5 \pm 0,34$ см³, АФСнинг 1,4 баробарга яъни, $10,0 \pm 0,42$ гача камайиб, улар диаметри $8,0 \pm 0,33$ мм.ни ташкил этганлигини ва уларнинг тухумдонлар тўқимасининг барча сохаларида диффуз жойлашганлигини аниқланди. 90 нафар беморлардан 77 нафарида ($85,6 \pm 3,7$) овуляция белгилари аниқланди. 13 нафар ($14,4 \pm 0,3$) да эса, хайз циклининг иккинчи фазасидаги эхографик кўрувда доминант фолликула аниқланмади. Тухумдонлар декорткацияси жаррохлик амалиётидан кейинги доплерометрия тадқиқотида: МАТ ортиб $16,6 \pm 0,7$ см / сек, ҚИ пасайиб $0,49 \pm 0,02$ ташкил этди. АМГнинг миқдори 5 мартаба пасайиб $2,5 \pm 0,10$ нг/мл. миқдорда аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

ТПС ва ТФК мавжуд беморларда қўлланилган эндокхирургик жаррохлик амалиёти турига қараб тухумдонлар захирасининг жаррохликгача ва жаррохликдан кейинги ҳолати, $M \pm m$

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=90)		II гуруҳ (n=30)		III гуруҳ (n=120)		Таққослаш гуруҳи (n=60)
	Жаррохликгача	Жаррохликдан кейин	Жаррохликгача	Жаррохликдан кейин	Жаррохликгача	Жаррохликдан кейин	
Тухумдон хажми, см ³	$12,5 \pm 0,51$	$8,5 \pm 0,34^{***}$	$10,2 \pm 0,42$	$8,6 \pm 0,37^*$	$15,2 \pm 0,61$	$8,7 \pm 0,33^{***}$	$8,3 \pm 0,32$
Антрал фолликулар сони	$16,0 \pm 0,65$	$10,0 \pm 0,42^{**\wedge}$	$15,0 \pm 0,62$	$12,0 \pm 0,50^{**}$	$10,0 \pm 0,39$	$10,0 \pm 0,38^{\wedge}$	$12,0 \pm 0,46$
Фолликула диаметри, мм	$6,0 \pm 0,24$	$8,0 \pm 0,33^{***\wedge}$	$4,0 \pm 0,16$	$7,0 \pm 0,28^{**}$	$5,0 \pm 0,20$	$6,0 \pm 0,24^{***\wedge}$	$7,0 \pm 0,29$
Овуляция, %	0,0	$85,6 \pm 3,7^{***\wedge}$	0,0	$76,7 \pm 2,7^{**\wedge}$	0,0	$83,3 \pm 3,5^{***\wedge}$	$10,0 \pm 0,40$
МАТ, см/сек	$10,6 \pm 1,0$	$16,6 \pm 0,7^{**\wedge}$	$9,6 \pm 0,5$	$18,6 \pm 0,5^{**\wedge}$	$8,9 \pm 0,6$	$23,2 \pm 0,7^{***\wedge}$	$8,9 \pm 0,6$
ҚИ	$0,51 \pm 0,02_0$	$0,49 \pm 0,02$	$0,51 \pm 0,03$	$0,43 \pm 0,02^{\wedge}$	$0,54 \pm 0,01$	$0,49 \pm 0,01^*$	$0,51 \pm 0,02$
АМГ, нг/мл	$12,5 \pm 0,48$	$2,5 \pm 0,10^{***\wedge}$	$12,5 \pm 0,52$	$2,2 \pm 0,08^{**\wedge}$	$1,1 \pm 0,04$	$2,1 \pm 0,09^{***\wedge}$	$3,6 \pm 0,15$

Изоҳ: * - жаррохликгача кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

[^] - таққослаш гуруҳига кўрсаткичларига нисбатан ишончли ([^]-P<0,05; ^{^^}-P<0,01; ^{^^^}-P<0,001)

ТПС мавжуд 30 нафар (25,0%) беморларда тухумдонлар каутеризацияси эндохирургик жарроҳлик амалиётидан олдин тухумдонлар захирасининг эхографик маркерини баҳолашда, тухумдонлар хажми $10,2 \pm 0,42 \text{ см}^3$, АФС $15,0 \pm 0,62$ микдорда аниқланиб, улар диаметри $4,0 \pm 0,16 \text{ мм}$ ни ташкил этиб, уларнинг тухумдонлар тўқимасининг атрофида яъни тухумдонларнинг оқ қобиғининг остида терилиб жойлашганлиги аниқланди. Ушбу гуруҳ аёлларида ҳам эндохирургик жарроҳлик амалиётидан олдин овуляция белгилари аниқланмади. Тухумдонлар каутеризацияси эндохирургик жарроҳлиги олдинги интраовариал гемодинамика кўрсаткичларининг тадқиқоти: паст МАТ $9,6 \pm 0,5 \text{ см / сек}$ ва юқори ҚИ $= 0,51 \pm 0,03$ аниқланди. АМГнинг миқдори 4,4 баробар юқори яъни, $12,5 \pm 0,52 \text{ нг/мл}$ да аниқланди.

Тухумдонлар каутеризацияси эндохирургик жарроҳлигидан 3 ойдан кейинги тухумдонлар захирасининг эхографик маркерини баҳолаш, тухумдонлар хажмининг 1,2 баробарга яъни, $8,6 \pm 0,37 \text{ см}^3$ гача, АФСнинг 1,2 баробарга яъни, $12,0 \pm 0,50$ гача камайганлиги аниқланди. Допплерометрия тадқиқотида МАТ $18,6 \pm 0,5 \text{ см / сек}$ гача ортди ва ҚИ $0,43 \pm 0,02$ гача камайиши аниқланди. 23 нафар (76,7 \pm 2,7%) да ўз вақтидаги овуляция белгилари аниқланди. 7 (23,3%) беморларда эса, ягона антрал фолликуллар аниқланиб овуляция жараёни кузатилмади. АМГнинг миқдорининг $2,2 \pm 0,08 \text{ нг/мл}$ яъни, 5,2 мартагача пасайиши аниқланди.

ТФК сабабли 120 нафар беморларда цистэктомия эндохирургик жарроҳлик амалиётидан олдин тухумдонлар захирасининг маркерларини баҳолашда, уларда тухумдонлар хажми $15,2 \pm 0,61 \text{ см}^3$, АФС $10,0 \pm 0,39$ микдорда аниқланиб, фолликулалар диаметри $6,0 \pm 0,24 \text{ мм}$ гачани ташкил этди. Тухумдонларнинг доплерографик тадқиқоти юқори ҚИ $0,54 \pm 0,01$ ва паст МАТ $8,9 \pm 0,6 \text{ см/сек}$ аниқланди. Овуляция жараёнини ўрганишда овуляция белгиларини аниқланмади. АМГ миқдори эса пастрок яъни $1,1 \pm 0,04 \text{ нг/мл}$ аниқланди.

ТФК сабабли 120 нафар беморларда цистэктомия эндохирургик жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан 3 ойдан кейин, тухумдон хажми 1,8 марта кичрайиб $8,7 \pm 0,33 \text{ см}^3$ ни, АФС $10,0 \pm 0,8$ ташкил этди. Тухумдонларнинг интраовариал кўрсаткичлари тадқиқоти МАТ $23,2 \pm 0,7 \text{ см/сек}$ яъни 1,8 мартагача ортганлиги ва ҚИ $0,49 \pm 0,01$ 1,1 мартага пасайганлиги аниқланди. Динамик кузатиш ҳар уч бемордан бирида яъни, 83,3% да овуляция белгиларини аниқлаш имконини берди. 20 нафар (16,7%) беморларда эндохирургик жарроҳлик амалиётидан кейин, хайз циклини 20-кунига келиб, доминант фолликуланинг ўлчами 13 мм дан ошмади ва уларда фолликула персистенцияси ва ановулятор жараёни кузатилди. Бу 20 нафар (16,7%) аёллар асосан, катта репродуктив ёшдаги аёллар эканлиги аниқланди. АМГнинг миқдори 1,9 баробарга ортиб $2,1 \pm 0,09 \text{ нг/мл}$ ташкил этди.

Шундай қилиб, ТПС сабабли беморларда ўтказилган тухумдонлар декорткацияси ва каутеризацияси ва ТФК сабабли ўтказилган, цистэктомия эндохирургик жарроҳлик амалиётларидан сўнг, тухумдонлар захирасининг эхографик ва биокимёвий кўрсаткичларида салбий ўзгаришлар кузатилмади бу ҳолат биз қўллаган эндохирургик жарроҳлик амалиётларининг камжароҳатчан

усуллар эканлиги ва уларнинг тухумдонлар захирасига салбий таъсир кўрсатмаганлигидан далолат беради. Тухумдонлар захирасининг баҳолаш натижаларига асосланиб, тадқиқот ўтказилаётган асосий гуруҳга кирувчи 240 нафар аёлларнинг 200 нафари (83,3%) нормал овариал захирасига эга, 40 нафари (16,7%) эса, паст овариал захирага эга беморлардан ташкил топганлиги аниқланди. Тухумдонлар захирасини баҳолашда олинган маълумотлардан тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволаш ва репродуктив функциясини тиклашни ўзига хос ёндашув асосида чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда реабилитациясини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг «Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда тухумдонлар ва эндометрий рецепторларининг иммуногистохимёвий тадқиқоти натижалари» деб номланган бешинчи бобида тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд 270 нафар беморларда тухумдонлар ва эндометрий рецепторларининг иммуногистохимёвий (ИГК) тадқиқоти натижалари батафсил ёритиб берилган. Ўтказилган ИГК тадқиқотида тухумдонлар ва эндометрий ER, AR ва PR рецепторлари экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда, ушбу аёлларда касалликни бошқа патогенетик буғинларини аниқлаш, касалликни қайталаниши ва эндохирургик даволашдан кейин бепуштлик ривожланишини прогностлаш, адъювант терапия тайинлаш учун мақбул дориларни танлаш, табақалаштирилган ёндашув асосида комплекс реабилитацияловчи даволашни буюриш ва даволаш муддати давомийлигини ҳисоблаш ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 70 нафар (33,3%) беморлар тухумдонларидаги рецепторлар ҳолатини ИГК тадқиқотида, 46 нафар (65,7%)да тухумдонлар фолликула деворида ERнинг юқори экспрессия $280,0 \pm 0,12$ H-score даражаси аниқланди. 14 нафар (20,0%)да ARнинг ҳам, сезиларли даражада юқори экспрессия $-256,7 \pm 0,14$ H-score даражаси аниқланди. 10 нафар (14,3%) аёллар фолликула деворида PRнинг паст экспрессия $-21,6 \pm 0,11$ H-score даражаси аниқланди. 23 нафар (32,8%)да тухумдонлар стромасида, ERнинг фолликула деворида аниқланган кўрсаткичларга монанд юқори $276,0 \pm 0,12$ H-score экспрессия даражаси аниқланди. ARнинг экспрессияси эса, 27 нафар (38,7%)да, фолликула деворидаги экспрессия даражасига нисбатан бироз камроқ, бироқ юқори даражадаги $-254,0 \pm 0,14$ H-score экспрессияси аниқланди. Мазкур аёлларнинг 20 нафари (28,5%)да PRнинг аксинча, ўртача экспрессия $-27,1 \pm 0,13$ H-score даражаси аниқланди.

ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 70 нафар (33,3%) беморлар ИГК-тадқиқотида, 18 нафар (15,0%)да қобиқ капсула эпителиал компонентида ERнинг таққослаш гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларига нисбатан, юқори экспрессия $-270,0 \pm 0,14$ H-score даражасида, 18 нафар (15,0%)да PRнинг ўртача экспрессия $71,2 \pm 0,12$ H-score даражаси аниқланди. Мазкур беморлар 22 нафар (18,3%)да қобиқ стромал компонентида эса, ERнинг юқори экспрессияси $-256,8 \pm 0,11$ H-score

аниқланди лекин ушбу кўрсаткич қобик эпителиал компонентидаги ERнинг экспрессия даражасидан биров паст даражани ташкил этди. 10.0% беморларда PRнинг экспрессияси 1-гурух беморлари экспрессия даражаси кўрсаткичларига нисбатан паст $-21,6 \pm 0,12$ H-score даражасида аниқланди.

Шундай қилиб, ТПС ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар тухумдонлар ва эндометрий рецепторлари ҳолатини ИГК тадқиқоти ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 33,3% беморлар фолликула деворида ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 33,3% беморлар қобик эпителиаль компонентида ERнинг экспрессияси меъёр кўраткичлардан 2,5 марта юқори, ARнинг экспрессияси 2,0 марта юқори, мазкур беморлар тухумдонлар стромаси ва қобик стромаль компонентида ER ва ARнинг экспрессияси 1,25 маротаба юқори эканлиги аниқланди. PRнинг экспрессияси ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 25,0% аёллар фолликула девори ва тухумдонлар стромасида ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 25,0% аёллар қобик эпителиал ва стромал компонентларида меъёр кўрсаткичларидан 3,8 маротаба паст экспрессияси аниқланди.

ИГК-тадқиқоти ёрдамида ТПС ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган беморларда ERнинг экспрессия даражаси кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда, мазкур касалликларни қайталаниши (рецидивланиш) ва эндохирургик жаррохликдан кейин бепуштликни ривожланишини прогнозлаш амалиётини ўтказилди. Прогнозлашни биз томонимиздан ишлаб чиқилган куйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилди:

$$Z = 0,45(a_1 + b_1) + 0,38(a_2 + b_2) + 0,17(a_3 + b_3)$$

Формулада информатив белгилар куйидагича белгиланган: **a**₁-ТПС мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг юқори экспрессия даражаси мезони, **b**₁-ТФК мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг юқори экспрессия даражаси мезони, **a**₂-ТПС мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг ўртача экспрессия даражаси мезони, **b**₂-ТФК мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг ўртача экспрессия даражаси мезони, **a**₃-ТПС мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг паст экспрессия даражаси мезони, **b**₃-ТФК мавжуд аёллар тухумдонлар ва эндометрийсида аниқланган ERнинг паст экспрессия даражаси мезони.

Прогнозлаш натижаларига кўра, мазкур касалликларни эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин қайталаниши ва бепуштликни ривожланишининг 3 та даражаси аниқланди. Тухумдонлар ва эндометрий ИГК тадқиқотида ERнинг экспрессия даражаси 260–270 баллини ташкил этган аёлларда – касаллик рецидивланиши ва бепуштликни ривожланишини юқори даражаси, ERнинг экспрессия даражаси 146–176 баллда аниқланган аёлларда– рецидивланиш ва бепуштликни ривожланишининг ўртача даражаси ва ERнинг экспрессия даражаси 20-71 баллини ташкил этган аёлларда рецидивланиш ва бепуштликни ривожланишининг паст даражаси мавжуд дея баҳоланди.

Прогнозлаш натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги беморларнинг 45,0% да (гуруҳларда мос равишда 17,1% ва 27,9%) рецидивланиш ва бепуштликни ривожланишининг юқори даражаси, 38,0% (гуруҳларда мос равишда 14,5%

ва 23,5%) – рецидивланиш ва бепуштликини ривожланишининг ўртача даражаси, ва 17,0% (гурухларда мос равишда 7,4% ва 9,6%) - рецидивланиш ва бепуштликини ривожланишининг паст даражаси мавжудлиги аниқланди. Таклиф этилган усул £<0,005 аҳамият даражасида 98% ҳолатда тўғри прогнозлаш имконини беради; $Z \geq 0,45$ да ушбу беморларда эндохиргик жаррохлик амалиётидан кейин касаллик қайталаниши ва бепуштлики ривожланишининг юқори, $Z \geq 0,38$ да эндохиргик жаррохлик амалиётидан кейин касаллик қайталаниши ва бепуштлики ривожланишининг ўртача ва $Z \geq 0,17$ да эндохиргик жаррохлик амалиётидан кейин касаллик қайталаниши ва бепуштлики ривожланишининг паст даражаси мавжудлигини кўрсатади ва бу ўз навбатида мазкур аёлларга репродуктив фаолиятини тиклашга йўналтирилган ўзига хос адъювант терапия тайинлашни талаб этади.

Аёлларда тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари касалликларини қайталаниши ва эндохиргик жаррохликдан кейин бепуштлики ривожланишини прогнозлаш усулида сезувчанлик (98%) ва ўзига хослик (86%) юқорилиги адъювант гормонал терапия ўтказиш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштлики сабабли эндохиргик жаррохлик амалиёти ўтказган 50 нафар аёлларда, улардан ТПС сабабли 15 нафар (30,0%) ва ТФК сабабли 15 нафар (30,0%) беморларда эндометрий без эпителийси ва стромасида ER ва PR рецепторларининг ИГК–тадқиқоти ўтқазилди. 30 нафар (33,3%) беморлар эндометрий без эпителийсида ERнинг таққослаш гуруҳи беморларига нисбатан, юқори экспрессияси гурухларда мос равишда $270,0 \pm 11,2$ ва $276,0 \pm 11,6$ H-score аниқланди. PRнинг экспрессияси эса, аксинча, ўртача экспрессия даражасида гурухларда мос равишда $27,2 \pm 1,1$ ва $27,6 \pm 1,2$ H-score аниқланди. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги беморларнинг 15,0% ва 10,0% да PR экспрессиясининг ўртача ва заиф даражада эканлиги аниқланди. Эндометрий стромасида, ERнинг экспрессияси, таққослаш гуруҳидаги беморлардаги экспрессия кўрсаткичларига нисбатан, энг юқори экспрессия даражасида гурухларда мос равишда $256,0 \pm 10,4$ ва $256,0 \pm 10,2$ H-score аниқланди. Мазкур беморларда, PRнинг эса, ўртача экспрессияси гурухларда мос равишда $24,2 \pm 0,97$ ва $21,6 \pm 0,87$ H-score даражасида аниқланди.

Эндометрий рецепторлар ҳолатини ИГК тадқиқоти мазкур беморлар эндометрий без эпителийси ва стромасида ER экспрессиясининг 2,0 марта юқори, PRнинг экспрессияси эса эндометрий без эпителийси ва стромасида 1,8 марта паст кўрсаткичда эканлиги аниқланди.

Аввалроқ таъкидлаб ўганимиздек, тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохиргик жаррохлик амалиётини ўтказган беморларда гуруҳларни ташкил этишни ИГК–тадқиқоти натижаларига кўра яъни, тухумдонлар ва эндометрийдаги ER, AR ва PR рецепторларнинг 3 та экспрессия даражасига хос беморлар аниқланди. Бунга кўра, ТПС сабабли эндохиргик жаррохлик амалиётини ўтказган беморларнинг 40 нафари (33,3%) да ER ва AR нинг юқори экспрессия даражаси аниқланди ва ТФК сабабли эндохиргик жаррохлик амалиётини

ўтказган 40 нафар (33,3%) аёлларда ER нинг юқори экспрессия даражаси аниқланди. ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 30 нафар (25,0%) ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 30 нафар (25,0%) беморларда, ER нинг ўртача даражаси, ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 30 нафар (25,0%) ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 30 нафар (25,0%) беморларда PRнинг ўртача экспрессия даражаси аниқланди. ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 20 нафар (16,6%), ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган 20 нафар (16,6%) беморларда ERнинг паст экспрессия даражаси аниқланди.

ИГК-тадқиқот натижаларига кўра, ER ва AR нинг юқори ҳамда PRнинг ўртача экспрессияси аниқланган аёлларга эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин адьювант терапия сифатида 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетат ҳамда микронизирланган прогестерон препаратлари тайинланди шунингдек, уларда ўтказилаётган адьювант гормонал терапия самарадорлигини баҳолаш мақсадида эндометрий ER ва PRнинг такрор ИГК-тадқиқоти ўтказилди. Эндометрий такрор ИГК тадқиқоти натижалари шуни кўрсатдики, 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетат сақловчи препарат билан даволанган ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган аёллар эндометрий без эпителийсида ERнинг экспрессия даражаси $270,0 \pm 11,2$ N-score дан $156,0 \pm 6,5$ N-score гача пасайиши, эндометрий стромасида эса, ERнинг экспрессиясининг $256,0 \pm 10,4$ -score.дан $141,0 \pm 5,7$ N-score.гача пасайиши аниқланди. Микронизирланаган прогестерон олаётган беморлар эндометрий без эпителийсида PRнинг экспрессияси даволашгача бўлган кўрсаткич даражасига нисбатан $27,2 \pm 1,1$ N-score.дан $125,0 \pm 5,1$ N-score.гача ортганлиги, эндометрий стромасида эса PRнинг экспрессияси $24,2 \pm 0,97$ N-score.дан $121,0 \pm 4,8$ N-score.гача ортгани аниқланди ($p < 0,001$) (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал


Эндометрий ER ва PR рецепторларининг 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадинона ацетат ва микронизирланган прогестерон билан ўтказилган реабилитацияли даволашдан олдин ва 3 ойдан кейинги ҳолати, N-score

Кўрсаткич		ТПС билан 1-гурух, n=30		ТФК билан 2-гурух, n=30		Таққослаш гурухи, n=20
		Давогача	Даводан кейин	Давогача	Даводан кейин	
Эндометрий ER экспрессия даражаси	эпителий	$270,0 \pm 11,2$	$156,0 \pm 6,5^{*\wedge}$	$276,0 \pm 11,6$	$154,0 \pm 6,3^{*\wedge}$	$240 \pm 9,7$
	строма	$256,0 \pm 10,4$	$141,0 \pm 5,7^{*\wedge}$	$256,0 \pm 10,2$	$144,0 \pm 5,9^{*\wedge}$	$240 \pm 10,2$
Эндометрий PR экспрессия даражаси	эпителий	$27,2 \pm 1,1$	$125,0 \pm 5,1^{*\wedge}$	$27,6 \pm 1,2$	$118,0 \pm 5,1^{*\wedge}$	$26,1 \pm 1,0$
	строма	$24,2 \pm 0,97$	$121,0 \pm 4,8^{*\wedge}$	$21,6 \pm 0,87$	$121,0 \pm 5,2^{*\wedge}$	$27,1 \pm 1,2$


Изох: *-даволашгача кўрсаткичларга нисбатан ишончли (*- $P < 0,001$)

^ - таққослаш гурухи кўрсаткичларига нисбатан ишончли(^- $P < 0,001$)

ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган ва 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетат сақловчи препарат олаётган беморлар эндометрий без эпителийсида ERнинг экспрессия даражаси $276,0 \pm 11,6$ H-score.дан $154,0 \pm 6,3$ H-score.гача, эндометрий стромасида эса ERнинг $-256,0 \pm 10,2$ H-score.дан $144,0 \pm 5,9$ H-score.гача экспрессия даражасига пасайиши аниқланди. Микронизирланаган прогестерон олаётган беморлар эндометрий без эпителийсида эса PR экспрессиясининг даволангунча бўлган даражасига нисбатан $27,6 \pm 1,2$ H-score.дан $118,0 \pm 5,1$ H-score.гача ортгани, эндометрий стромасида ҳам PRнинг экспрессияси ортиши даволашгача бўлган кўрсаткич $21,6 \pm 0,87$ H-score нисбатан $121,0 \pm 5,2$ H-score. даражасига ортганини ҳисобига у ердаги рецепторлар экспрессиясининг меъёрлашганлиги аниқланди (1-2-расмларга қаранг).



1-расм. Эндометрий без эпителийси ва стромасида ER рецепторлари экспрессиясининг ҳолати. Иммуногистокимёвий бўёш $\times 400$ (бемор 3., 2017)



2-расм. Эндометрий без эпителийси ва стромасида PR рецепторлари экспрессиясининг ҳолати. Иммуногистокимёвий бўёш $\times 400$ (бемор 3., 2017)

Шундай қилиб, эндометрийда ўтказилган такрор ИГК-тадқиқоти беморларда даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан бир қатор муҳим фарқлар борлигини кўрсатди. 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетат ва микронизирланган прогестерон билан 3 ой даволашдан кейин асосий гуруҳ беморларида ERнинг экспрессиясини 86,0%га ($p < 0,01$) фарқли пасайиши ва PR экспрессиясининг эса 85,4%га ортиши кузатилди.

Эндометрий рецептивлигини аниқловчи ноинвазив текширув усулларида бири бўлмиш УТТ ёрдамида, беморларда эндометрийнинг эхографик кўрсаткичларини ўрганиш, альявант гормонал терапия ўтказилгунча эндометрийнинг қалинлиги 7мм.дан ортмаганлигини, гуруҳларда мос равишда $0,68 \pm 0,12$ см ва $0,67 \pm 0,15$ см.ни ташкил этганлиги аниқланди. Адъювант гормонал терапия фониди, унинг туридан қатъий назар, иккала гуруҳ беморларида ҳам эндометрий қалинлигида ижобий ўзгаришлар кузатилди яъни, 1-гуруҳ 24 нафар (80,0%)да 0,03 мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетат билан адъювант терапиясидан сўнг эндометрий қалинлиги $1,0 \pm 0,12$ см.гача сезиларли даражада ошди ($p < 0,05$). 2-гуруҳ беморларида эса, микронизирланган прогестерон билан даволашдан сўнг эндометрийнинг ўртача қалинлигининг ошиш тенденцияси кузатилди, лекин у 1-гуруҳ беморлари кўрсаткичларига нисбатан фарқ қилиб $1,2 \pm 0,14$ см.ни ташкил этди. Юқорида қайд этиб ўтилган

ИГК-тадқиқоти ва эндометрий эхорграфик кўрсткичлари натижаларига кўра, адьювант терапия ўтказган аёлларда ER ва PRнинг экспрессия даражасининг меъёрлашуви эндометрий рецептивлигини ошишига ҳамда эндометрий қалинлигининг йўғонлашишига олиб келиб 85,5% репродуктив фаолиятини тикланишига олиб келиб юқори самара берган.

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда ER ва PR экспрессиясининг E2 ва прогестерон гормонлари билан эндометрий қалинлигининг ўртасидаги корреляцияли боғлиқликни тахлили, ER экспрессиясининг E2 гормони билан ($r=0,29$) эндометрий қалинлиги ўртасида ($r=0,58$) тўғридан тўғри боғлиқлик, прогестерон гормони билан эса, тесқари ($r=-0,29$), боғлиқлик мавжудлиги аниқланди, шунингдек PR экспрессия даражасининг прогестерон гормони билан ($r=0,04$) эндометрий қалинлиги ўртасида тўғридан тўғри ($r=0,58$), ҳамда E2 гормони билан ($r=0,58$) кучсиз корреляцияли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. ER ва PR рецепторлари экспрессия даражасининг стероид гормонлари билан эндометрий қалинлиги ўртасидаги номутаносибли корреляцион алоқадорлик эндометрий рецептивлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ИГК тадқиқотлар натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, тухумдонлар ва эндометрий рецепторлари экспрессияси даражасини ўрганиш, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликнинг бир қатор патогенетик муҳим жихатларига аниқлик киритиш имконини ҳам берди, жумладан ТПС ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда жаррохликдан кейин ҳам кузатилаётган ER ва ARнинг юқори ва PR рецепторларининг паст экспрессияси кўринишидаги бузилишлари ўз навбатида, эндометрий рецептивлигини бузилишига, шу боис эндометрийдаги эхоструктуравий жараёнларидан пролеферация ва секреция жараёнларининг издан чиқиши туфайли уч қаватли кўринишидаги эндометрийни шаклланмаганлиги ва булар оқибатида, эндометрий қалинлигидаги камчиликлар каби ўзгаришлар мазкур беморларда эндохирургик жаррохлик амалиётдан кейин ҳам бепуштликни сақланиб қолишида асосий сабабчиси бўлиб ҳисобланади деган хулосага келишимиз мумкин.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни эндохирургик даволаш ва репродуктив функцияси реабилитацияси натижалари”**, деб номланган олтинчи бобида тадқиқот ўтказилаётган 240 нафар аёлларни эндохирургик даволаш ва жаррохликдан кейин репродуктив функциясини тиклашга қаратилган реабилитация чора-тадбирларини гормонал ва ИГК тадқиқотида аниқланган патогенетик жихатларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва ўзига хос табақалаштирилган ёндашуларга асосланиб ўтказилган адьювант терапияни самарадорлигини баҳолашга қаратилган маълумотлар келтириб ўтилган.

ТПС мавжуд беморларда эндохирургик даволаш усулини танлашда тухумдонлар ҳажмини ҳисобга олинди уларнинг ҳажми $12,5 \pm 0,51 \text{ см}^3$ ташкил этган аёлларда – тухумдонлар декортикацияси, ҳажми $10,2 \pm 0,42 \text{ см}^3$ ташкил этган беморларда эса, тухумдонлар каутеризацияси эндохирургик жаррохлик

амалиётлари қўлланилди. ТПС мавжуд I гуруҳдаги 90 нафар (75,0%±4,0) беморларда иккала тухумдонларда тухумдонлар декорткацияси ва 30 нафар (25,0±4,0%)да иккала тухумдонларнинг каутеризацияси, ТФК мавжуд II гуруҳдаги 73 нафар (60,8±4,5%)да ўнг тухумдонлама ва 47 нафар (39,2±4,2%) да чап тухумдонлама цистэктомия эндохирургик жаррохлик амалиётлари ўтказилди.

Булардан ташқари, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд беморларни 50 (20,8%) нафарида, эндохирургик жаррохлик амалиётини бажариш пайтида (интраоперацион) ҳамрох патологиялар аниқланди, улардан 24 (48,0%) нафарида бачадон ортиқлари билан биргаликда келган, 26 (52,0%) нафарида эса, бачадон бўшлиғи патологияси билан биргаликда келган ҳамрох касаликлар ташкил этди. Бачадон найи билан биргаликда келган ҳамрох патологиялар 24 нафар (48,0%) да аниқланган бўлиб, улардан: 15 нафар (62,5±10,1%) фимбрий сохасидаги чандикли жараёнлар, 6 нафар (25,0±9,0%)да бачадон найи ампулляр қисмида най ўтказувчанлигини бузилиши ва 3 нафар (12,5±6,9%)да II – III даражадаги чандикли жараёни аниқланди. Мазкур, бачадон найлари билан ҳамрох келган патологияларда 62,5% да сальпинговарио– и фимбриолизис, 25,0%да сальпингостомия ва 12,5% беморда адгезиолизис жаррохлик амалиётлари ўтказилди. Тухумдонлардаги яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд 26 нафар (52,0%) беморларда қуйидаги бачадон ичи ҳамрох патологиялари аниқланди: 11 нафар (42,3±9,9%) да эндометрий полипи, 4 нафар (15,4±7,9%) да бачадон бўшлиғи синехиялари, 5 нафар (19,2±7,9%) да эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар, 6 нафар (23,1±8,4%) да эса бачадон бўшлиғи лигатураси аниқланди. Аниқланган бачадон бўшлиғи ҳамрох патологияларида қуйидаги эндохирургик жаррохлик амалиётлари қўлланилди: 42,30%да – гистероскопик полипэктомия, 19,2%да– гистероскопик адгезиолизис, 15,4% да – бачадон бўшлиғи ва цервикал канални алоҳида қириш ва 23,1%да–гистероскопик лигатурани олиб ташлаш амалиётлари ўтказилди.

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд беморларни эндохирургик даволашдан сўнг репродуктив функциясининг реабилитациясига қаратилган адъювант терапия ўтказилди. Репродуктив функциясини тиклашга йўналтирилган адъювант терапияни ўтказишда табақалаштирилган ўзига хос ёндашув асосида амалга оширилди. Ушбу ёндашув асосан, тухумдонлар ва эндометрийда ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражасини, жаррохликдан сўнг сақланиб қолган гормонал ўзгаришларни, интраоперацион аниқланган ҳамрох патологияларни ҳамда тухумдонлар захираси кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. ER ва AR юқори экспрессия даражаси аниқланган, ТПС сабабли эндохирургик жаррохли амалиёти ўтказган 40 нафар (33,3%) IA кичик гуруҳга кирувчи беморларга миоинозитол сақловчи биологик фаол қўшимча ёрдамида, ТФК сабабли эндохирургик жаррохли амалиёти ўтказган ERнинг юқори экспрессияси аниқланган IIА кичик гуруҳига кирувчи 40 нафар (33,3%) беморларга 0.03 мг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадинон

ацетат сақловчи препарат ёрдамида, ER ўртача экспрессияси аниқланган 30 нафар (25,0%) IB ва IB кичик гуруҳчага кирувчи 30 нафар (25,0%) бачадон найлари хамрох патологияси сабабли жаррохлик амалиёти қўлланилган беморларга 0,03 мг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадион ацетат сақловчи препаратини бовгиалуронидаза азоксимер шамчаси билан биргаликда, PRнинг ўртача экспрессияси аниқланган ТПС сабабли эндохирургик жаррохли амалиёти ўтказган IC кичик гуруҳча 30 нафар (25,0%) беморлари ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохли амалиёти ўтказган IC кичик гуруҳча 30 нафар (25,0%) бачадон бўшлиғи хамрох патологияси аниқланиб мос жаррохлик амалиёти қўлланилган беморларга микронизирланган прогестеронни стрептокиназа стрептодорназа шамчаси билан биргаликда, ER паст экспрессияси аниқланган ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган ID кичик гуруҳча 20 нафар (16,6%) ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохли амалиёти ўтказган ID кичик гуруҳчага кирувчи 20 нафар (16,6%) беморларда кломифен сақловчи препарати ёрдамида ўтказилди.

Даволаш муддати давомийлигини тухумдонлар ва эндометрийдаги ER, AR ва PRнинг экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ўтказдик. Бунга кўра, даволашни ER рецепторларнинг юқори даражали экспрессиясида 3 ой давомида, ўртача даражадаги экспрессиясида—2 ой давомида ва паст даражадаги экспрессиясида эса—1 ой давомида ўтказдик. PR рецепторларнинг ўртача даражали экспрессиясида даволашни 2 ой давомида, паст даражадаги экспрессиясида эса, 3 ой давомида ўтказдик.

Ўтказилган реабилитацияли даволаш самарадорлигини, асосан бир неча кўрсаткичлар: ультратовуш ва гормонал тадқиқотлар, эндометрий ER ва PR рецепторларини тақрор ИГК-тадқиқоти натижалари, ҳайз функцияси ва репродуктив фаолиятини тикланиш салмоғини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ўтказилди.

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган ER ва AR нинг юқори экспрессияси аниқланган IA кичик гуруҳчага кирувчи 40 нафар (33,3%) беморларга миоинозитол сақловчи биологик фаол қўшимча билан ўтказилган адъювант терапия ҳайз функциясини 90,0% тикланишига ва 85,2% ҳомиладор бўлишига яъни, ҳомиладорлик салмоғини 4 маротабагача ошишига олиб келди. ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган ERнинг юқори экспрессияси аниқланган 40 нафар беморларни комплекс реабилитацияли даволашда 0,03 мг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадион ацетат сақловчи препаратидан фойдаланиш —92,0% ҳолатда ҳайз циклини тикланиши ва 86,1% ҳолатда репродуктив функциясини тикланишига олиб келиб, юқори клиник самарадор эканлигини намаён этди.

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 30 нафар ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 30 нафар ERнинг ўртача экспрессия аниқланган ҳамда бачадон найи хамрох патологияси сабабли жаррохлик амалиётини ўтказган аёлларда, 0,03 мг этинилэстрадиол ва 2 мг хлормадион ацетат сақловчи препаратини бовгиалуронидаза

азоксимер билан биргаликда комплекс қўллаб даволаш натижалари, хайз функциясини гурухларда мос равишда 90,0% ва 92,0% тикланишига ва хомиладорлик бўлиш салмоғининг гурухларда мос равишда 86,4% ва 86,3% ортишига олиб келди.

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 30 нафар ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 30 нафар РRнинг паст экспрессияси аниқлаган ва бачадон эндометрийси хамрох патологияси сабабли жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларда микронизирланган прогестеронни стрептокиназа стрептодорназа билан биргаликда комплекс қўлланилиши натижаларига кўра, хайз циклининг тикланиши гурухларда мос равишда 90,0%, ва 92,0%, хомиладорлик бўлиши гурухларда мос равишда 86,5% ва 83,3%да кузатилди.

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 20 нафар ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган 20 нафар катта репродуктив ёшдаги ҳамда ERнинг паст экспрессияси аниқланган беморларга эндохирургик даволашдан кейин, тухумдонларини рағбатлантириш мақсадида кломифен сақловчи препаратни қўллаш натижалари, гурухларда мос равишда 88,2% ва 88,2% да овуляция индукциясига ва гурухларда мос равишда 85,1% ва 85,1%да хомиладорлик бўлишига олиб келди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган, табақалаштирилган ва патогенетик асосланган, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган беморларда репродуктив функцияси реабилитацияси алгоритмининг қўлланилганлиги туфайли, мазкур касалликларда эндохирургик жаррохлик амалиётидан кейин репродуктив функцияни тиклашга қаратилган реабилитация чора-тадбирлар босқичлари оптималлаштирилди. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиётини ўтказган беморлар репродуктив функцияси реабилитацияси алгоритми бир нечта босқичлардан иборат:

Алгоритмнинг биринчи босқичида тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришларини ноозологик шаклига кўра эндохирургик даволаш ва жаррохлик бажариш пайтида тухумдонлар ва эндометрийдан ИГК тадқиқот учун биопсия намуналарини олиб ИГК лабораториясига текширишга жўнатилди.

Алгоритмнинг иккинчи босқичида тухумдонлар ва эндометрийдан олинган биопсия намуналарида ER, AR ва PR рецепторларининг экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда адъювант терапия учун мос дори препаратларини танлаб олиниб реабилитацияли даволаш чора тадбирларини ўтказиш.

Алгоритмнинг учинчи босқичида ўтказилган реабилитацияловчи даволаш чора тадбирлари самара бермаган беморларга ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тавсия этилган.

ТУХУМДОНЛАР ЯХШИСИФАТ СТРУКТУРАЛИ ЎЗГАРИШЛАРИ МАВЖУД АЁЛЛАРНИ ЭНДОХИРУРГИК ДАВОЛАШДАН КЕЙИН РЕПРОДУКТИВ ФУНКЦИЯСИ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ АЛГОРИТМИ

I-босқич

Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларни эндохирургик даволаш ва жаррохлик пайтида тухумдонлар ва эндометрийдан биопсия намуналарини олиш ва ИГХ тадқиқоти учун иммуногистохимёвий лабораторияга жўнатиш

Тухумдонлар поликистоз синдромида:

- Тухумдонлар декортикацияси
- Тухумдонлар каутеризацияси

Тухумдонлар фолликуляр кисталарида:

- Ўнг томонлама цистэктомия
- Чап томонлама цистэктомия

ТПС ва ТФК касалликларини бачадон найлари ҳамрох патологиялар билан келганда

- Фимбрий соҳасидаги чандиқли жараёнларда-лапароскопик сальпинговариофимбриолизис
- Бачадон найи ампулляр қисмида ўтказувчанлигини бузилишида-лапароскопик сальпингостомия
- II – III даражадаги чандиқли жараёнларида-лапароскопик адгезиолизис

- Эндометрий полипида-гистероскопик полипэктомия
- Бачадон бўшлиғи синехияларида гистероскопик адгезиолизис
- Бачадон бўшлиғи лигатурасида-гистероскопик лигатурани олиб ташлаш

ТПС ва ТФК касалликларини бачадон бўшлиғидаги ҳамрох патологиялари билан келганда

II-босқич
ИГК тадқиқотида тухумдонлар ва эндометрий ER, AR ва PRнинг экспрессия даражасини ҳисобга олган ҳолда аёлларда репродуктив функцияси реабилитациясини ўтказиш

ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар тухумдонлар ва эндометрий ИГК тадқиқотида:

- ER ва ARнинг юқори экспрессияси аниқланган беморларга – Инотир® 1пакетдан 1махалдан 3ой ичиш буюрилади
- ERнинг ўртача экспрессияси аниқланган беморларга – Белара® 3+21 схемаси бўйича 1tx1 махалдан 2 ой ичиш буюрилади
- PRнинг ўртача экспрессияси аниқланган беморларга – Утрожестан 200 хайзни 17-26 кунлари 1tx1м 3 ой давомида
- ERнинг паст экспрессияси аниқланган беморларга – Клостилбегит 50 хайзни 3-7 кунлари 1tx1м 5 кун ичиш буюрилади

- ERнинг юқори экспрессияси аниқланган беморларга – Белара® 3+21 схемаси бўйича 1tx1 махалдан 3
- ERнинг ўртача экспрессияси аниқланган беморларга – Белара® 3+21 схемаси бўйича 1tx1 махалдан 2
- PRнинг ўртача экспрессияси аниқланган беморларга – Утрожестан 200 хайзни 17-26 кунлари 1tx1м 3 ой давомида ичиш буюрилади
- ERнинг паст экспрессияси аниқланган беморларга –Клостилбегит 50 хайзни 3-7 кунлари 1tx1м 5 кун ичиш буюрилади

ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар тухумдонлар ва эндометрий ИГК тадқиқотида:

ТПС ва ТФК билан касалларда бачадон найлари ҳамрох патологиялари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларга- Лонгидаза 1шамчадан ҳар 2 кунда 1 махалдан 10 кун per rectum қўйиш буюрилади

ТПС ва ТФК билан касалларда бачадон бўшлиғи ҳамрох патологиялари сабабли эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёлларга-Дистрептаза 1x2 махал 3 кун, кейин 1x1 махалдан 12 кун per rectum қўйиш буюрилади

III-босқич

Ўтказилган реабилитацияли даволаш чора-тадбирлари самара бермаган аёлларга: Ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЭЖУ, ИКСИ) дан фойдаланиш тавсия этилади.

Иқтисодий самарадорлиги. Биз томонимиздан ўтказилган реабилитацияли даволашнинг тиббий-иқтисодий самарадорлиги, бепуштлиқ салмоғини 4,8 мартагача камайишига, касалликлар рецидивини 4,2%гача камайишига, шифохонада бўлиш кунларини 1–2 кунгача қисқаришига, хайз функциясининг 92,2% ва репродуктив функцияси тикланган аёллар салмоғини 85,5%гача ортишига олиб келди. Таклиф этилган комплекс реабилитацияли даволаш чора-тадбирлари мазкур касалларни ўта аниқ ва ишончли ташхис қўйганлиги ва шунингдек қимматбаҳо даволаш яъни, ёрдамчи репродуктив технологияларга мухтож бўлган касаллар сонини, 1,7 баробар камайиши ҳамда, даволаш муассасасининг даволашга кетадиган харажатларини 2,5 баробар камайишига олиб келади.

ХУЛОСА

1. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра тухумдонларида лапароскопик жаррохлик амалиётини ўтказган аёлларда репродуктив функциясининг тикланиш салмоғи 29,5%ни ташкил этган. Репродуктив функциясини тикланишини энг паст кўрсаткичлари, ТПС сабабли тухумдонлар понасимон резекцияси (7,5%) ва ТФК сабабли тухумдонлар резекцияси (2,0%) жаррохлик амалиётини ўтказилган аёлларда кузатилган. 70,5% аёлларда эндохирургик даволашдан кейин бепуштлиқни сақланиб қолиши кузатилган. Бу эса, ўз навбатида мазкур патологиялар сабабли тухумдонларида эндохирургик жаррохлик амалиёти ўтказган аёллар репродуктив функцияси реабилитация усулларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

2. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари мавжуд аёлларда эндохирургик даволашгача ўтказилган гормонал тадқиқоти натижаларига кўра, беморларнинг 58,3%да гонадотроп гормонлар, 33,3%да эстрадиол ва тестостерон гормони миқдорининг юқори даражада, 25,0%да эса, прогестерон гормонининг паст миқдорда бўлиши аниқланди. Эндохирургик даволашдан кейинги ўтказилган гормонал тадқиқот натижалари, беморларнинг 75,0%да эстрадиол ва тестостерон гормонларининг юқори, 25,0%да эса, прогестерон гормонининг паст миқдор кўринишда сақланиб қолганлиги аниқланди, ушбу ҳолат мазкур аёлларда эндохирургик даволашдан кейин бепуштлиқни сақланиб қолишида муҳим аҳамият касб этади, буни аёлларга репродуктив функцияси реабилитацияси учун гормонал адъювант терапияни тайинлашда эътиборга олиш зарур.

3. ТПС ва ТФК мавжуд аёлларда эндохирургик даволашгача ўтказилган тухумдонлар захираси маркерларини баҳолаш катта тухумдонлар аниқланиши, гурухларда мос равишда $12,5 \pm 0,51$ см³, $10,2 \pm 0,42$ см³ ва $15,2 \pm 0,61$ см³, кўпсонли АФСнинг аниқланиши, гурухларда мос равишда $16,0 \pm 0,65$, $15,0 \pm 0,62$ ва $10,0 \pm 0,39$, АМГ миқдорининг ТПС мавжуд аёлларда 4,4 баробар юқори, мос равишда $12,5 \pm 0,48$ нг/мл ва $12,5 \pm 0,52$ нг/мл, ТФК мавжуд беморларда эса 1,4 баробар паст- $1,1 \pm 0,04$ нг/мл да аниқланди. Тухумдонлар захирасини эндохирургик даволашдан 3 ой кейинги баҳолашда,

тухумдон хажмининг гурухларда мос равишда $8,5 \pm 0,34 \text{ см}^3$, $8,6 \pm 0,37 \text{ см}^3$ ва $8,7,0 \pm 0,33 \text{ см}^3$ кичрайганлиги, АФСнинг гурухларда мос равишда 1,4 ва 1,2 мартагача камайганлиги, АМГ миқдорининг ТПС мавжуд беморларда мос равишда $2,5 \pm 0,10 \text{ нг/мл}$ ва $2,2 \pm 0,08 \text{ нг/мл}$ пасайганлиги ва ТФК мавжуд аёлларда 1,9 мартагача ортганлиги аниқланди. Биз томонимиздан қўлланилган тухумдонлар декортикацияси, тухумдонлар каутеризацияси ва цистэктомия эндохирургик жаррохлик амалиётларининг мазкур беморлар тухумдонлар захираси кўрсаткичларига салбий таъсири аниқланмади.

4. Тухумдонлар ва эндометрий рецепторлар ҳолатини ИГК тадқиқоти ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 33,3% беморлар фолликула деворида ва ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 33,3% беморлар қобик эпителиаль компонентида ERнинг экспрессияси меъёр кўраткичлардан 2,5 марта юқори, ARнинг экспрессияси 2,0 марта юқори, мазкур беморлар тухумдонлар стромаси ва қобик стромаль компонентида ER ва ARнинг экспрессияси 1,25 мартаба юқори эканлиги аниқланди. PRнинг экспрессияси ТПС сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 25,0% аёллар фолликула девори ва тухумдонлар стромасида ТФК сабабли эндохирургик жаррохлик ўтказган 25,0% аёллар қобик эпителиал ва стромал компонентларида меъёр кўрсаткичларидан 3,8 мартаба паст экспрессияси аниқланди. Эндометрий рецепторлар ҳолатини ИГК тадқиқоти мазкур беморлар эндометрий без эпителийси ва стромасида ER экспрессиясининг 2,0 марта юқори, PRнинг экспрессияси эса эндометрий без эпителийси ва стромасида 1,8 марта паст кўрсаткичда эканлиги аниқланди. Адъювант терапия самарадорлигини баҳолашда эндометрий ER ва ARнинг қайта ИГК-тадқиқотини ўтказилиши ERнинг экспрессияси 86,0%га пасайиши PRнинг 85,4%га ортганлигини аниқланди.

5. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларда ER ва PR экспрессиясининг E2 ва прогестерон гормонлари билан эндометрий қалинлигининг ўртасидаги корреляцияли боғлиқликни тахлили, ER экспрессиясининг E2 гормони билан ($r=0,29$), ва эндометрий қалинлиги билан ($r=0,58$), тўғридан тўғри боғлиқлик, прогестерон гормони билан эса, тесқари ($r=-0,29$), боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди, шунингдек PR экспрессия даражасининг прогестерон гормони билан ($r=0,04$) эндометрий қалинлиги ўртасида тўғридан тўғри ($r=0,58$), ҳамда E2 гормони билан ($r=0,58$) кучсиз корреляцияли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. ER ва PR рецепторлари экспрессия даражасини стероид гормонлари билан эндометрий қалинлиги ўртасидаги корреляцияли алоқадорлиги эндометрий рецептивлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

6. Тухумдонларида яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепушт аёлларни даволашда лапароскопияни гистероскопия билан биргаликда қўллаш, репродуктив жаррохликнинг самарали усули бўлиб ҳисобланиб, булардан ташқари 20,8% беморларда мазкур касалликлар билан ҳамроҳ келган касалликлардан 48,0% бачадон найлари ва 52,0% эндометрий патологиялари билан ҳамроҳ келган патологияларни ташхислаш ва уларни

баргараф этилиши ҳамда хайз циклини 90,2%, репродуктив фаолиятини 85,5% тикланишига олиб келади.

7. Тухумдонлар ва эндометрий рецепторларининг ИГК-тадқиқоти натижаларини ҳисобга олган ҳолда аёллар хайз ва репродуктив функциясини тиклашга йўналтирилган патогенетик асосланган реабилитацияли даволашда, ТПС сабабли эндохирургик жарроҳлиги ўтказган аёлларга миоинозитол сақловчи БФҚдан фойдаланиш, мос равишда—90,0% ва 85,2%, ТФК сабабли эндохирургик жарроҳлиги ўтказган аёлларда 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетатдан фойдаланиш— 92,0% ва 86,1%, ТПС ва ТФКнинг бачадон найлари ҳамроҳ патологияси билан келган гуруҳларда 0,03мг этинилэстрадиол ва 2мг хлормадион ацетатни бовгиалуронидаза азоксимер билан биргаликда қўллаш мос равишда – 90,0% ва 86,4% ҳамда 92,0% ва 86,3%, мазкур касалларда бачадон эндометрийси ҳамроҳ патологияси билан келган гуруҳларда микронизирланган прогестеронни стрептокиназа стрептодорназа билан биргаликда қўллаш, мос равишда 90,0% ва 86,5% ҳамда 92,0% ва 83,3%, кломифен сақловчи препарат қўлланилган аёлларда эса, мос равишда – 88,2% ва 85,1% ҳамда 88,2% ва 85,1% ташкил этди.

8. Тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари сабабли эндохирургик жарроҳлик амалиётини ўтказган аёлларда ишлаб чиқилган репродуктив функцияси реабилитациясининг табақалаштирилган ва патогенетик асосланган алгоритмининг қўлланилиши, тухумдонлар яхшисифат структурали ўзгаришлари билан боғлиқ бепуштликни ташхислашни 90%га яхшиланишига, касалликлар рецидивини 4,2 марта камайишига, бепуштлик салмоғини 4,8 мартагача камайишига, хайз циклини 90,2%гача тикланишига ҳамда, эндометрий ER ва PR рецепторлари экспрессиясининг меъёрлашуви ҳисобига эндометрий рецептивлигининг меъёрлашуви репродуктив функциясини 85,5% тикланишига олиб келиб юқори самарадор эканлигини тасдиқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ШУКУРОВ ФАРХАД ИШКУЛОВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ РЕАБИЛИТАЦИИ РЕПРОДУКТИВНОЙ
ФУНКЦИИ ПРИ ДОБРОКАЧЕСТВЕННЫХ СТРУКТУРНЫХ
ИЗМЕНЕНИЯХ ЯИЧНИКОВ ПОСЛЕ ЭНДОХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.DSc/Tib221.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный консультант: **Аюпова Фарида Мирзаевна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Курбанов Джахангир Джамалович**
доктор медицинских наук, профессор

Негмаджанов Баходур Болтаевич
доктор медицинских наук, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация: **Республиканский специализированный научно -
практический медицинский центр акушерства и
гинекологии**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ___). (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года).

А.В. Алимов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хаитов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Д.И. Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук DSc)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание диагностике и лечению бесплодия у женщин, обусловленного доброкачественными структурными изменениями яичников. Сохранение низкой частоты восстановления репродуктивной функции после эндохирургического лечения женщин с бесплодием, обусловленным доброкачественными структурными изменениями яичников является актуальной проблемой репродуктивной медицины. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...частота восстановления репродуктивной функции у женщин, перенесших эндохирургические операции, составляет 30%, а 70% женщин нуждаются в восстановлении репродуктивной функции. В каждом третьем случае причиной бесплодия у женщин является синдром поликистозных яичников и фолликулярные кисты»¹. Одной из наиболее актуальных проблем, требующих решения, является совершенствование подходов к диагностике бесплодия, обусловленного доброкачественными структурными изменениями яичников, а также разработка эффективных методов реабилитации, направленных на восстановление фертильности после эндохирургического лечения доброкачественных структурных изменений яичников.

Во всем мире проводится ряд научных исследований посвященных совершенствованию методов диагностики, лечения и реабилитации женщин, с бесплодием, обусловленным доброкачественными структурными изменениями яичников. В связи с этим особое внимание уделяется развитию репродуктивной медицины, использованию современных репродуктивных технологий по диагностике и выявлению причин сохранения бесплодия после эндохирургического лечения. Совершенствование и эффективное применение новых высокотехнологичных методов репродуктивной хирургии остается приоритетом современной репродуктивной медицины. Одна из актуальных научных проблем является выявление причин сохранения бесплодия после эндохирургического лечения и совершенствование методов восстановления репродуктивной функции у женщин с бесплодием, обусловленным доброкачественными структурными изменениями яичников.

В нашей стране проводятся комплексные реформы, направленные на повышение качества медицинских услуг, доведение системы здравоохранения до мировых стандартов, разработку эффективных методов диагностики сохранения бесплодия после эндохирургического лечения и совершенствование реабилитации репродуктивной функции у женщин с синдромом поликистозных яичников и фолликулярными кистами яичников. В настоящее время в стране определены приоритетные задачи по «...внедрению единой системы взаимодействия и координации структур, ответственных за репродуктивное здоровье женщин («Женская консультация», Республиканские центры репродуктивного здоровья и др.),

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/infertility>

которая предусматривает меры по реабилитации репродуктивной функции после эндохирургического лечения женщин с доброкачественными структурными изменениями яичников...»². В связи с этим целесообразно проведение исследований по повышению качества медицинских услуг на современном уровне, разработке и совершенствованию оптимизированных методов диагностики, лечения и реабилитации репродуктивной функции у женщин с бесплодием, обусловленным с доброкачественными структурными изменениями яичников.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения. Республика Узбекистан», №ПП-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и объема медицинской помощи женщинам, беременным и детям репродуктивного возраста», №УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³.

Исследования, направленные на совершенствование репродуктивной функции после эндохирургического лечения доброкачественных структурных изменений яичников проводятся в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе: American Society for Reproductive Medicine (США), European Society of Human Reproduction and Embryology (Белгия), University of Mississippi Medical Center (США), Harvard Medical School (США), Ankara University (Турция), University of British Columbia (Канада), Weill Cornell Medical College (Англия), Center for the Study of Polycystic Ovary Syndrome at the University of Chicago (США), Univerzita Palackého ob Olomouci (Чехия). Научный центр акушерства, гинекологии и перинатологии имени академика В.И. Кулакова (Россия), НИИ акушерства, гинекологии и репродуктологии имени Д.О. Отто (Россия), Российский национальный исследовательский медицинский университет имени Н. И. Пирогова (Россия), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 25 мая 2021 года №ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения».

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: [www. Pubmed](http://www.Pubmed); www.Hindawi; www.BMJ Open; www.LibDex - Library Index; www.The British Library и других источников.

гинекологии (Узбекистан) и Ташкентской медицинской академии (Узбекистан).

